

QILA DAVTRASIDA

№ 36
(434)
10-sentabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma`naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



ҚАНИ, ОТИБ ТАШЛА!

Болалар онгида биз
барпо қилаётган олам

Бир нарса аниқ: болалар катталар барпо қилган оламда яшайди. Агар биз кинофильмлар, мультфильмлар орқали тажовузкорлик оламини яратиб берсак, фарзандларимиз катта бўлганларида улардан нимани ҳам кутиш мумкин?..

УШБУ СОНДА:



«ЁРДАМ» ЗАРАРЛИ ЭКАН...

«Барака топгурлар, одамлар тажриба қуёни эмаску!..»

2-бет

ҚЎШ ФАМИЛИЯЛИК

Одамлар «йиллаб кутган» масала қонуний ечим топди...

3-бет

«ҚОҒОЗГА ЎРАЛГАН» ГАПЛАР

«Мулкимизни судьялар ҳимоя қилади, лекин ўзлари ўғри...»

4-бет

«МАЖБУРИЙ ИЖРО»НИ ТЎХТАТИНГ

Шунда келажакда фойдалироқ бўлади

5-бет

ЭРТАКЛАР УЙИНГИЗДА

моҳир педагог тавсияси

5-бет

Бўлажак юристларга НОМДОР СТИПЕНДИЯ

2-бет



Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

ДЕЗИНФЕКЦИЯ ТУННЕЛЛАРИ –
КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЭНГ ФОЙДАСИЗ ЧОРА

« Дезинфекция тунеллари – коронавирусга қарши энг фойдасиз чора. Соғлиқни сақлаш вазирлиги шундай хулосага келди, – деб ёзмоқда вазирлик Жамоатчилик билан алоқалар бўлими. Коронавирусга қарши курашилаётган бир пайтда, кўрилаётган ҳар бир чоратадбирнинг фойдалилиги, самарадорлигини ўрганиш, айниқса, аҳамиятлидир.

Лекин профилактика мақсадида қўлланиладиган айрим чоралар самарасиз эканини, қайтага салбий оқибатлари кўпроқлигини вақт кўрсатиб қўймоқда. Шундай чоралардан бири дезинфекция тунелларидир. Ҳозирда бундай тунеллар деярли ҳар бир ташкилот, хусусан, умумий овқатланиш объектлари, аэропорт, темир йўл вокзаллари, бозорлар, супермаркет каби катор муассаса бинолари олдида ўрнатилган. Ҳатто кириш йўлакларининг бошқа қисмлари қизил ленталар билан ўралиб, одамларга шу тунел орқали ўтишдан бошқа йўл қолдирилмаган. **Республика ихтисослаштирилган алергология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Илмира РОЗИҚОВА** бундай тунелларнинг инсон организмга зарарли томонлари ҳақида сўзлаб берди:

– Дезинфекция чораси сифатида хлорли эритмалардан фойдаланишни дунё давлатлари тажрибадан ўтказишди. Америкалик

экспертларнинг таъкидлашича, кўчаларни дезинфекция қилиш ва дезинфекция тунелларидан кенг фойдаланиш кўпроқ инсонларни ваҳимага тушмаслиги ёки уларни тинчлантириш мақсадида амалга оширилган. Ва, шуни айтиш лозимки, ханузгача бунинг самараси исботланмаган, – дейди мутахассис.

Дезинфекция тунелларида фойдаланиладиган хлорли эритмалар тиббиётда жуда кўп йиллардан бери ишлатилади ва унинг инсон организмга хатарли таъсири жуда кучли. Кун давомида ишлаб турган тунелдан бир киши қайта-қайта ўтишига тўғри келиши мумкин. Давомий ишлатилган ҳар бир кимёвий модда инсон организмда алергик ҳолатларни келтириб чиқаради. Алерголог Илмира Розикова бунинг асоратлари ўта хавфли тус олиб кетишидан огоҳлантирди.

Мутахассиснинг айтишича, бу юқори нафас йўлларида энгил кизаришидан то энгил куйишгача

бўлган ҳолатларни чакиради. Бунинг натижасида инсонда алергик ринит, конъюнктивит, бронхит ва ҳаттоки оғир касаллик ҳисобланувчи – бронхиал астмага олиб келиши мумкин.

Мактаблар фаолиятини қайта тиклаш масаласи ўртага чиққанда, болаларнинг соғлиғига салбий таъсирлари инобатга олиниб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги таълим муассасалари олдида дезинфекция тунелларини ўрнатиш қатъиян ман этилишини таъкидлаган эди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам бундай тунелларнинг самарадорлиги исботланмаганлигини билдирди.

– Дезинфекция тунелларини метро ёки бошқа муассаса бинолари олдида ўрнатилиши шарт эмас, деб ҳисоблаймиз, – дейди алерголог Илмира Розикова. – Ҳозирда бундай нотўғри профилактика кўз конъюктиваси ва юқори нафас аъзоларининг алергик шикастланишига сабаб бўлмоқда. Тунеллар ўрнига кириш жойларида ўзаро масофани сақлаш, иситмани ўлчаш, қўлларга антисептик билан ишлов бериш йўлга қўйилгани мақсадга мувофиқ.

* * *

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ушбу хабаридан сўнг ижтимоий тармоқларда муҳокамалар кучайди. Чунки шу вақтгача ҳам очик хавони дезинфекция қилиш қанчалик фойда бериш-бермаслиги баҳсларга сабаб бўлиб келаётган эди. Юртимиздаги минглаб идора ва ташкилотлар олдида ўрнатилиб бўлинган сўнг бундай хулосага келиниши, кўпчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Platforma.uz:

«Эътибор беряпсизми, орадан 5-6 ой ўтибгина шу гап айтиляпти. Эҳ-хе, биз шунча вақтдан бери бундай тунеллардан неча марта ўтиб қайтдиғу... Ким билсин ичимизга қанча хлор ютдик, ким билсин соғлиғимизга қанча зиён етди.

Вазирлик ўзини оқлаши мумкин: биз учун ҳам бу янгилик эди, хулосалар вақт ўтиб, таҳлиллар, кузатувлар асосида чиқарилади, деб. Тўғри! Лекин барака топгурлар, одамлар тажриба куёни эмаску. Наҳотки олдинроқ ўзингиз бир ўйлаб кўрмадингиз. Ахир хлорнинг зарарини шу вақтгача яхши билардингиз-ку!

Аниқ хулоса қилмай, билиб-билмай амалиётга киритилган мана шундай чора-тадбирлар инсон саломатлиги билан бирга, шундоқ ҳам оғир, синовли даврда иқтисодиётга қанча зиён келтирганини тасаввур қилиб кўринг. Интернетда берилган эълонлар орқали дезинфекцион тунелларнинг нархларига қизиқиб қараймиз. Таклифлар турлича. Кўзим тушганларида битта шундай тунел баҳоси ўртача 1 миллион 300 минг сўмдан 4 миллион сўмгача турибди.

Энди битта банк йўналишида олсангиз ҳам, республика бўйича молия муассасаларимизнинг неча минглаб филиали бор. Уларнинг ҳар бири биноси киришига шундай тунел ўрнатилган. Пулини бир ҳисобланг-чи! Неча миллиардларни ташкил қилади. Шунча маблағни кўкка совурмадикми?! Нима, пулимиз ошиб-тошиб кетаётганми? Биз фақат банк мисолида айтаямиз. Ўйлаб кўринг, қанча корхона ва ташкилот киришида шундай тунеллар турибди...

Шунинг учун ҳам етти ўлчаб бир кесишда ҳикмат кўп. Ҳар қандай янгиликни амалиётга жорий қилишдан олдин обдан ўйлаш керак. Аввало, инсон саломатлиги, қолаверса, мисқоллаб йиғилган давлатнинг, халқнинг пуллари турибди. Ҳозир ҳар бир тийинни ўйлаб, ҳисоб-қилиб ишлатадиган пайт. Тавақкалига совурадиган эмас».



9 МАЪЛУМОТ

Инқирозга қарши курашиш эсамгармасидан жамоат жойларини дезинфекция қилиш учун 28 млрд. сўм сарфланган.

БЎЛАЖАК ЮРИСТЛАРГА ҒАФУР ҒУЛОМ СТИПЕНДИЯСИ

Тошкент давлат юридик университети Ғафур Ғулом номидаги махсус стипендия ҳамда кўрак нишонини таъсис этди, дея хабар берди университет жамоатчилиги ва ОАВ билан алоқалар бўлими.

Мана шу орқали атоқли адиб ижодини кенг тарғиб қилиш мақсад қилинган. Университет Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Шерзод Пўлатовнинг айтишича, йил давомида Ғафур Ғулом ижоди билан боғлиқ китоб ярмаркалари, янги асарлар тақдимотлари, бадий ва хуж-

жатли фильмлар намоиши, турли танловлар, фестиваллар, викториналар ўтказиш, адиб яшаган манзилларга илмий-маърифий экспедициялар уюштириш режалаштирилган. – Ғафур Ғулом уй-музейини оталикка оляпмиз, – дея қўшимча қилди Ш.Пўлатов. – Тез орада университетда

Ғафур Ғулом хонаси ташкил қилиниб, суюкли шоир ва ёзувчимизнинг ҳаёт йўли акс этган экспозиция билан бойитилади. Махсус сайтни ишга туширдик. Адиблар боғи мажмуасидаги Ғафур Ғулом ҳайкалини обод этиш масъулиятини ҳам зиммамизга олганмиз.

Ғафур Ғулом номидаги махсус стипендияга ҳар бир факультетдан бир нафардан талаба сазовор бўлиши мумкин. Номзодлар ўқиш ва ижодда фаол, китобхонлик

тарғиботига муносиб ҳисса қўшаётган ёш ижодкорлар орасидан танлаб олинади. Стипендияни қўлга киритиш учун улар тест синовидан ўтиши керак. Ғафур Ғулом номидаги кўрак нишони билан нафақат ижодкор талабалар, балки илму маърифатга ошно ўқитувчиларни ҳам тақдирлаш кўзда тутилган. Ғолибларга бир марталик пул мукофоти ҳам тақдим этилади.

Жорий ўқув йилидан Тошкент давлат юридик университетида таълим олаётган ба-



дий хаваскор ёшлар танлов асосида «Илҳом» мукофоти ҳам тавсия этилади.

ҚАНИ, ОТИБ ТАШЛА!

Болалар онгида биз барпо қилаётган олам

« Болалигимизда ҳаммамиз «уруш-уруш» ўйнаганмиз. Ўзимизча ёғочдан қилич, автомат, тўппонча каби уруш қуролларини ясаб олганимиз, бор гап. Ўйинлар мавзусини кўпинча уруш киноларидан танлаб олардик. Ҳатто «Оқ бўрилар» фильмидан руҳланиб, «қизил танли»ларнинг «оқ танли»ларга қарши кураш олиб борган саҳналарини ҳам ўйнаганмиз.

Бундан албатта таёқдан қиличлар ясаганимиз, эсимда. Кейинчалик, замон анча ривожланиб кетди. Энди болалар учун ишлаб чиқарилаётган «уруш қуроллари» ҳақиқийсидан фарқланмайдиган даражага етди.

Одатга кўра, қиз болалар «хола-хола» каби тинчликсевар ўйинларни ўйнайди. Ўғил болалар эса «уруш-уруш», «полиция», «овчилик» каби ўйинларни ўйнашни яхши кўрадилар. Бу каби ўйинларни ота-оналар ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Тўғри, ҳозир бу каби ўйинлар шаҳарларда кўпроқ компьютерга кўчганини тан олишимиз керак.

Бундан икки йил муқаддам (2018 йилда) Швеция болалар ўйинчоқларини сотувчилар Ассоциацияси ҳақиқий қуролларга ўхшаб кетадиган ўйинчоқларни сотишни тўхтатиш борасида чакириқ билан чиқди. Бунга қўлида ўйинчоқ автомат бўлган Даун ва аутизм синдромли ўсмирни полиция ходими янглишиб отиб қўйгани сабаб бўлди.

2017 йилда Швецияда полиция томонидан ишлатилган қурол оқибатида бир киши ҳалок бўлган бўлса, 2018 йилда етти киши ўлдирилди.

Ҳозир шундай замон келдики, ташқи кўриниши бўйича ўйинчоқ тўппончанинг ҳақиқийсидан фарқи қолмади. Шу сабабли Америкада ҳақиқий қуролни ўйинчоқ қуролдан фарқлаш мақсадида махсус кўргазмалар ўтказиб турилади.

Ўйинчоқ қурол деганда ҳақиқий қуролга ўхшаш болалар учун мўлжалланган қуроллар кўзда тутилади. Айрим ҳолларда ўйинчоқ қуролларнинг ўзи ҳам хавф туғдиради. Ўйинчоқ қуроллар тўппонча, автомат, пулемёт, қилич, садок, ханжар, пичок, танк, самолёт кўринишида бўлади.

Психологларнинг фикрича, янги кўринишдаги замонавий ҳарбий ўйинчоқлар боланинг нафақат маънавий, балки жисмоний саломатлиги учун ҳам хавфли бўлар экан.

Биринчи навбатда болалар ўйинчоқларида ўқ ва патронлар бор. Бундан ташқари ўйинчоқларнинг оғирлиги зарба вақтида болага жисмонан жароҳат етказиши мумкин. Мактабгача бўлган даврда болалар қурол ёрдамида бир-бирларига пўписа қиладилар, бу каби пўписалар иккинчи болага катта салбий таъсир ўтказиши мумкин. Болалар қўриқиб қолади. Шу сабабли психологлар болаларга ҳақиқий қуролга ўхшаш ўйинчоқлар ўйнашни тавсия қилмайди, бу каби ўйинчоқларни умуман ишлаб чиқарилиши тўхтатилиши лозимлигини тавсия қиладилар.

«Ҳарбий мавзудаги ўйинчоқлар иккинчи жаҳон урушидан кейин долзарб аҳамият касб эта бошлади, ўшанда болалар бу қуроллар билан ўйнар экан, ўзларини ватан ҳимоячиси сифатида кўра бошлади, энди эса ҳарбий қуроллар тажовузни шакллантиради», демокда россиялик

айрим педагоглар.

Аммо бу фикрга қаршилар ҳам бор, уларнинг фикрича, ҳарбий ўйинчоқлар болаларнинг жасур бўлиб вояга етишига хизмат қилар экан. «Танк ва тўппончаларни асосан ўғил болалар ўйнайди. Бу ўйинлар орқали ватан ҳимоячиси бўлиш ҳиссиёти шаклланади. Бу ўз навбатида боланинг ватанга муҳаббат, ожизларни ҳимоя қилишга ундайди», дегувчилар ҳам бор.

Ҳарбий ўйинчоқларни бутунлай йўқ қилиб бўладими? Таҳлилчилар бир овоздан «йўқ» дея жавоб қайтардилар.

Агарбукаби ўйинчоқларишлаб чиқарилмайдиган бўлса, у ҳолда болаларнинг ўзлари автомат ва тўппончаларни ясаб олишади.

Чунки ёш болалар учун ўйин асосий фаолият ҳисобланади.

Турли ўйинлар орқали боланинг онги тез ривожланиши илмий исботланган. Ўғил болалар тезроқ ҳақиқий эркалар бажарадиган касб эгаси бўлишни истайдилар. Бу касб эгалари уларнинг наздида, одатда қўлида қурол бўлган ҳарбийлар, полиция ходимлари ҳисобланади. Қўлига қурол олган бола ўзини мард, жасур санар экан.

Юқорида болалигимизда қайсидир фильм қаҳрамонларига ўхшаш ниятида «уруш-уруш» ўйнаганимиз ҳақида



айтиб ўтилди. Ҳозир ҳам болалар қандайдир фильм қаҳрамонига ўхшашни истайди. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Аммо ҳозирги кўплаб фильмларда шафқатсизлик, босқинчилик, зўравонлик, тажовузкорлик каби салбий иллатлар кўзга ташланаётгани сир эмас. Болалар айнан мана шу каби салбий қаҳрамонлардан ўрнак олишига асло йўл қўймаслигимиз керак.

Ҳозир ҳам 7 сентябрь жаҳон ҳарбий ўйинчоқларни йўқ қилиш куни ҳисобланади. Бу дегани «фарзандларимиз қандай ўйинчоқларни ўйнаши керак?» деган саволни ўзимизга беришни аниқлатади.

Бир нарса аниқ: болалар катталар барпо қилган оламда яшайди. Агар биз кинофильмлар, мультфильмлар орқали тажовузкорлик оламини яратиб берсак, фарзандларимиз катта бўлганларида улардан нимани ҳам кутиш мумкин?..

Халқимизда «эканнингни ўрасан», деган гап борлигини ёддан чиқармасак бўлгани.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

ФХДЁда ўзгаришлар:

БЮРОКРАТИЯ КАМАЙИШИДАН ҚЎШ ФАМИЛИЯЛИККАЧА

Жорий йилнинг 1 апрелидан ФХДЁ бўлимлари Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтгач, соҳада бир қатор ўзгаришларга старт берилиши кутилаётган эди. Яқинда ҳукумат томонидан ФХДЁ соҳасига оид қабул қилинган қарорда ҳам бу ўз аксини топди, дея хабар берди ДХА Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими.

Хўш, бизни нима ўзгаришлар кутмоқда?

Эндиликда ФХДЁ органларида техник ходим бўлиб ҳисобланувчи архивариус лавозими тугатилиб, бошқарувчи ҳисобланмиш 1 ва 2-тоифали инспектор лавозимлари жорий этилади. Яъни, соҳага тегишли маълумотга эга, ташаббускор, малакали кадрлар жалб қилинади.

Соҳа ходимлари ойлик иш ҳақлари ўрта ҳисобда 3 бараварга ошиши, ФХДЁ органи мудираси иш ҳақи 5 млн. сўмга (1,5 млн. сўм бўлган), 1 ва 2-тоифали инспекторлар иш ҳақи 3,2-3,5 млн. сўмга етиши

(1,2-1,3 млн. сўм бўлган) кўзда тутилмоқда.

Ходимларга қулайликлар яратилди, аҳолига-чи? Аҳолига нима наф?

Ушбу йўналишда ҳам анча ўзгаришлар кутилмоқда. Мисол учун, эндиликда ФХДЁ органларини туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажрим тўғрисидаги гербли гувоҳномалари билан Давлат хизматлари агентлигининг буюртмаларига асосан тўғридан-тўғри таъминлаш тартиби жорий этилмоқда. Яъни ФХДЁ ва Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик миссияларига тегишли гербли гувоҳномалар янада тезкорроқ етказилади.

Навбатдаги қулайлик, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини ўз вақтида олмаганлар учун бўлади. Илгари 16 ёшдан ошган, туғилиши қайд этилмаган шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш фақат суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилар эди. Энди эса тегишли тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиши ота-она ёки улардан бири ва вояга етган боланинг аризасига кўра ФХДЁ органи томонидан қайд этилади.

Бир қатор ҳужжатларни олиш тартиби соддалаштирилди. Масалан, фуқаролик ҳолатлари, жумладан, никоҳ ёки туғилганликни қайд этиш эндиликда гербли гувоҳномалар тақдим этилгандагина эмас, балки, ФХДЁ архиви маълумотномалари асосида ҳам амалга оширилиши имконини беради. Бу эса фуқароларнинг вақтини тежашга хизмат қила-



ди. Бюрократия камаяди.

Бола туғилганда бериладиган суюнчи пули, дафн маросими учун бир маротабалик нафақа пулларини олиш учун маълумотлар энди фуқароларга қўлма-қўл берилмасдан, Пенсия жамғармасига махсус электрон тизим орқали тўғридан-тўғри юборилади.

Эндиликда никоҳланувчиларга қўшфамилияликка рухсат этилади. Масалан, куёв Аҳмедов келин Шухратова бўлса,

шунда куёв Аҳмедов-Шухратов, келин эса Аҳмедова-Шухратова бўлиши мумкин.

«ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига киритилаётган маълумотларнинг тўғри ва ақтуаллиги доимий равишда текшириб борилади. Бунинг учун ФХДЁ органлари ходимлари архивдаги мавжуд ҳужжатларни электрон тизимга киритилган маълумотлар билан солиштириш орқали назорат қилади.

ҲАҚИҚИЙ ТАШНАЛИК

ёхуд «қозоғза ўралган» гаплар

«Китобимни очингиз ва унда баён қилинган воқеалар ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрингиз. Ишонаверишингиз мумкин, уни ўқиш натижасида ҳам жасоратли, ҳам доно бўласиз, чунки менинг китобимда бутунлай бошқача йўсиндаги руҳ ва қандайдир фақат юксак дидли кишиларга тушунарли бўладиган таълимотни кўрасизки, бу эса сизга бизнинг дин, худди шу каби сиёсатимизга доир ўта махфий ва даҳшатли сирларни очиб беради...»

«Гаргантюа ва Пантагрюэль» асарини ўқиб, тўғриси муаллифни бошида ҳазилкаш қизиқчи деб ўйлайсиз, алжирашифат фикрларидан котиб-котиб куласиз. Мутолаа давомида эса муаллифга бўлган ҳурматингиз ошади, уни хушёр ислохотчи-ахлоқшунос сифатида кашф эта бошлайсиз. Якунда эса Раблега тан берасиз.

Асарда муаллиф ким бўлиб гавдаланмасин, унда ўша давр, тузим, мафкура, инсонлар ҳаёти, амалдорлар жабр-зулми, заҳарханда кулги кўзгудагидек акс этади. Воқеалар ривожидан оддий одамларнинг атрофида, турли рамзлар воситасида шакллантирилади. Оддий мисол, асарда схоластик тафаккурга қарши сатирик муносабатнинг ифодаланиши куйидагича:

«— Оролингизда фақат кушлар яшар экан-да. Улар шудгор қилмайди, ғалла экмайди, деҳқончилик қилмайди. Қиладиган ишлари шохдан-шохга сакраб сайраш. Буларни боқиш учун озиқ-овқатни қаердан оласизлар?»

— Бошқа мамлакатлардан оламиз...»

Яъни, ўша вақтда Рим папаси католик динидаги ҳамма мамлакатлардан солиқ ундирган. Протестантликни қабул қилган Скандинавия, Германиянинг шимолий вилоятлари, Голландия, Англия каби мамлакатлар эса солиқ тўлашдан бош торгган. Кушларни католик руҳонийлари, монахлар мисолида олсак, биргина диалог орқали уларнинг қилмишлари очиб берилганини кўришимиз мумкин.

Француз Рабленнинг китоби ўрта асрнинг эски тарбия системасини қувноқ кулги билан акс эттирди, ўрта аср фанлари устидан, монахлар ҳаётидан, папани католиклар беҳад ардоқлаб, унга сиғинишларидан кулди. Бу кулги очикдан-очик ва шафқатсиз бўлгани учун ҳам Париж университетининг илоҳиёт факультети «Гаргантюа ва Пантагрюэль»ни зарарли ва дин асосларини бузувчи китоб сифатида тақиқлади.

Мутолаа бошланишида мириқиб куласиз, охирида эса ич-ичингиздан тўлиб йиғлайсиз, аҳволимизга ачинасиз. Рабле кулган ижтимоий воқеликнинг кўпгина томонлари буржуа жамиятида ҳали ҳам сақланиб қолган, шунинг учун ҳам унинг бу асари ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Асардан тагига чизиб қўйган жумларимни келтираман:

«...Бу дунёда ҳамма иш чатоқ; имонимизни руҳонийларга топшириб қўйганмиз. Баданимизни докторлар ҳимоя қилади. Лекин касалга ёзиб берадиган дориларини ўзи ҳеч қачон ичмайди. Нега? Чунки ишонмайди! Мол-мулкимизни судьялар ҳимоя қилади. Лекин буларнинг ўзи ўғрилар! Тинч яшашга имкон бермай, бизни талашади. Билдингизми?»

«...Шуни ҳам сенга айтиб қўяйки, биз ўзимизнинг монастиримизда қадимий одатларга риоя қиламиз, яъни пешинги ибодатдан олдин «энг яхши ибодатхона»га — монастир ошхонасига қирамизда, ошпазларга сажда қилиб,

«...Бу дунёда ҳамма иш чатоқ; имонимизни руҳонийларга топшириб қўйганмиз. Баданимизни докторлар ҳимоя қилади. Лекин касалга ёзиб берадиган дориларини ўзи ҳеч қачон ичмайди. Нега? Чунки ишонмайди! Мол-мулкимизни судьялар ҳимоя қилади. Лекин буларнинг ўзи ўғрилар! Тинч яшашга имкон бермай, бизни талашади.»

гўштдан кўпроқ солиб, овқатни тезроқ пиширишини сўраймиз. Монахнинг қорнидан бўлак нима ташвиши бор. Кетдик, Панург!»

«Пантагрюэль Тулузада кўп турмади. Бир кун у монахлар билан ўчакишган профессорни гулханда пишираётганликларини кўриб қолди-да, эртасиёқ Тулузадан жўнаб кетди.»

Рабле жамиятга шунчалар теран нигоҳ билан назар солганки, натижада фожиадан комедия «ясаш» даражасига эришган. Кулги — дунёга кўркмай муносабатда бўлишнинг асосини тайёрлашда муҳим омил эканини исботлаган.

Муаллиф кулги асосида зolim амалдорлар, ҳукмрон доира — «бахайбат қахрамонлар»нинг хонадонига, уларнинг ички дунёсига кириб борди. Уларни эл кўзида қилиб бўлмайдиган ишларни бажаришга, гапириб бўлмайдиган сўзларни гапиришга ундади. Бунга эришди ҳам. У кўпинча жоҳил монахлар томонидан бузиб талқин қилинган қадимий ёдгорликларни излаб, ўрганишга киришди.

Французларнинг хайбатли, важохатли Гаргантюа ва Пантагрюэль ҳақидаги мустаҳкам чегарага эга, улкан масофа билан ажратилган қарашларини кулги маданияти воситасида ўқувчига яқинлаштирди. Давлат амалдорларининг қилмиши, номаъқул ишларини оддий халқ воситасида очиб бериб, оқсуяклар қатламига қора халқ орқали кўзгу тутди. Бу асаргача француз адабиётида оддий одамлар бош қахрамон даражасига кўтарилмаган эди, Рабле эса буни удралади.

«Гаргантюа ва Пантагрюэль»да халқ орзулари, қалбининг чуқур ерларининг хилватларидаги яширин истагу умидлари акс эттирилган. Рабле яшаган монастир Францискан орденига мансуб эди. Францисканчи монахларга эса илму фан билан шуғулланиш тақиқланган, диний китоблардан бошқа китоб ўқиш ҳам ман этилганди. Монастир уставидан хатто «Монах монахликка ўтишдан илгари ўқиш-ёзишни ўрганмаган бўлса, уни монастирда ўрганиб ўтирмасин» деган банд ҳам бор эди.

Рабле билимга беҳад қизиққанлигидан бу уставга риоя қилмади, ўлимга ҳам тик боқа билди. У ёшлигидан мутолаага қизиқади, ўқишга берилади, қадимги юнон ва лотин тилларини мукамал ўргангани, қадимий файласуф ва шоирларнинг асарларини яширинча ўқийди. Бу иши учун бир неча марта жазоланади ҳам.

У қадимий тилларни, табиий фанларни, айниқса тиббиётни ўрганишга киришади. Сўнг кўп йиллар беморларни даволаш билан шуғулланади, бакалавр, кейинроқ эса тиббиёт фанлари док-

тори унвонини олади. Асар якунида ҳам «Сехрли шиша ороли»даги садаф қувурлардан буралиб-буралиб чиқиб, ер қаъридан антика оҳанг таратаётган фонтаннинг сувини илму маърифатга, билимга қиёслаши фикримиз исботидир:

«Шишахоним ўз мулозимларига қадаҳлар олиб келишни буюрди. Бизга шу фонтан сувидан ичишни таклиф қилди. Ростини айтганда, биз бундай яхши таклифни рад этадиган тентаклардан эмасдик, албатта. Жон-жон деб рози бўлдик! Катта-катта қадаҳларни тўлдириб ичдик. Шу заҳотиёқ ўзимизда ғалати ўзгариш сездик. Чарчоғимиз тарқаб, баданимиз яйради, юзларимиз қизарди, ўзимизни тетик, соғлом, ҳагто камида ўн ёш ёшарган ҳис этдик.

— Ажойиб сув экан, — деди Пантагрюэль. — Бунақа сувни умрим бино бўлиб ичмагандим. Ҳеч қандай сув бунчалик шифобахш эмас...»


Гаргантюа туғилиши биланок «Чанқадим!», дейди. Бу ерда у жамиятнинг, халқнинг тимсоли. У даврда бутун миллат чанқаган эди, илмга ташна эди. Чақалоқнинг чанқоғини босиш учун вино беришлари эса ҳукмрон доиранинг одамларга бўлган муносабати, зolim ҳукмдорларнинг асл башараси эди. Асар якунида эса бу рўй-рост айтилади:

«Жириг» — буюк сўз экан, бу сўз кўп халқларга маълум: «Ичинг!» дегани. Сув ичинг дегани эмас, ҳеч қанақа жонивор ҳам, инсон ҳам сув ичмай яшай олмайди. Бу ерда бошқа нарса кўзда тутилганки, уни ҳам инсон боласи ҳар куни ичиб туриши керак. Бунга биз бетиним интилишимиз, топинишимиз, у ақл ва юрагимизга мадор бахш этиши учун, ичиб, бақувват, қудратли, одил ва фаол бўлишимиз учун сабот ва матонат билан уни қидиришимиз керак. Қанақа ичимлик тўғрисида гапираётганимни фаҳмлагандирсиз. Мен оламда мавжуд нарсалар тўғрисидаги ҳақиқий билим ҳақида гапирипман. Фақат шу билимгина жоҳиллик жаридан сизларни чиқара олади, фақат шу билимгина сизларни хурофот ва бидъатдан қутқади, кўзларингизни очади, янги ажойиб ҳаёт сари олиб боради. Бизларнинг фонтанимиздан сув ичиб, тетик ва соғлом бўлганингиз сингари билим суви ҳам сизларни тетик қилади, соғлом қилади; чарчоқларингизни йўқотади, ялқовлик, зеркиш касалидан халос қилади...»

Асарни ўқиб, эсимни танигандан буён бўлган ҳаётим кўз олдимга келди. Қизиқ, мен ҳам туғилганимда «Чанқадим!» демаганмиканман?

Абдулазиз АХМЕДОВ

ЎТКИР НИГОҲ



Махмуджон Эшонкулов чизган сурат.

Изоҳи ўзингиздан

ФАРЗАНДИНГИЗ ЧАПАҚАЙМИ?..

«Мажбурий ижро»ни тўхтатинг

Сизга ҳам чап қўлда ёзадиган ёки асосий юмушларни чап қўл орқали бажарадиган инсоннинг ҳаракатлари галати туюлганми ҳеч? Эҳтимол ўзингиз ёки энг яқин дўстингиз, оила аъзоларингиздан бири чапақайдир. Ҳа, аввалдан чапақай инсонларга ёки чап қўлда ёзаётганларга атрофидагилар ҳайрат кўзи билан қарашади. Негаки кўпчиликнинг фикрича, юмушларни чап қўл ёрдамида бажариш мураккаб ва бунда улар қийинчиликка учрашади. Аслида эса, чапақайлик ҳам инсонга берилган қобилиятдир.

Атрофимиздаги инсонларни кузатганимизда шунга амин бўламизки, баъзилар кундалик ишларни чап қўлда бажаришади-ю, бироқ ўнг қўлда ёзишади, баъзилар эса ёзувни чап қўлда ёзса-да, қолган юмушларни бажаришда ўнг қўлдан фойдаланишади. Аслида, биринчи ҳолат чапақайлик ҳисобланади, иккинчиси эса ёзиш қобилияти чап қўлга берилгани билан изоҳланади. Чапақайликни бола уч-беш ёшдалигида унинг хатти-ҳаракатларини кузатган ҳолда аниқласа бўлади. Хўш, чапақай боланинг ҳаракатларини тузатса бўладими? Умуман олганда, бунинг бола психологиясига таъсири қандай?

Ҳалигача эсимда, болалигимда беш ёшимгача оёқ кийимини тескари киярдим, овқатланаётганда ҳам қошиқни чап қўлда ушлардим, уйдагилар ўнг қўлда овқат ейилади, дейишса-да, кейинроқ билмаган ҳолда мени «овқатлантириш»-га яна чап қўлим ёрдамга келаварди. Лекин ҳеч қачон ота-онам бу ҳолатларда қаттиқ танбеҳ беришмаган, вазият юмшоклик билан тушунтиришган. Масалан, дастурхон олдида «таом ўнг қўлда ейлиши керак, чап қўлда ейилган овқатга шайтон аралашади», каби сўзлар билан тушунтиришга уринишган. Энди эса у одатларим болалигимда қолиб кетган, ҳозир барча юмушларни ўнг қўлим ёрдамида бажараман. Бироқ ҳали-ҳамон ёзувда чап қўлданман. Болалигимда чап қўлда қоғоз қоралаётганимни кўрганларнинг аксарияти «вой, чап қўлда ёзаясанми?» дея ҳайратланиб сўрашарди. Бу сўзларни бирон марта салбий қабул қилмаганман, негаки эсимни таниганимдан бери ота-онам ўнг қўлда ёзишимга мажбурлашмаган, аксинча бу ноёб қобилият ҳаммага ҳам берилмаслиги, чапақайлар ижодкор бўлишларини уқтиришган. Ва бугун

шунга амин бўлдимки, ота-онам ёзишда ўнг қўлдан фойдаланишимга мажбурламай, аксинча қолган ишларни ўнг қўлда бажаришим кераклигини тушунтириб тўғри қилишган экан.

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Қачон бирингиз еса, ўнг қўли билан есин. Қачон бирингиз ичса, ўнг қўли билан ичсин. Чунки шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади», дедилар». Болага ёшлигидан кундалик юмушларни ўнг қўлда бажариш кераклигини маълум мисоллар билан тушунтириб, ортиқча кийноқларсиз ўргатса бўлади. Бироқ психологларнинг таъкидлашича, чап қўлда ёзадиган болани ўнг қўлда ёзишга мажбурлаш салбий оқибатларга олиб келар экан.

«Яқин кунларгача чапақай болаларни ўнг қўлда ёзишга ўргатиш мажбурий равишда амалга оширилган. Бироқ ҳозирги кунда ҳам бундай ҳолатлар учрамоқда. Айниқса ота-оналарнинг чапақай фарзандларини таълим жараёнида ўнг қўлини ишлатишга мажбур қилишлари ва ўқитувчиларни ҳам бунга ундашлари болаларнинг психик саломатлигида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Кўплаб маълумотларга кўра, невротик ҳолатлар ва неврозлар ўнг қўл устунлик қилувчи болаларга нисбатан чапақайларда кўпроқ учрамоқда. Чунки чапақай болаларни мажбурлаб турли хил жазо чораларини қўллаш орқали ўнг қўлга ўргатиш невроз ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўйлаб кўринг, сиз ўнг қўлда ёзасиз-у бироқ кимдир сизни мажбурлаб чап қўлда ёздирмоқчи. Қани буни уйдалай оласизми? Қанчалик қийинчилик туғдиради



бу ҳолат? Энди буни бола психологиясига буриб таҳлил қиладиган бўлсак, ҳали энди мактабга борган болани ўнг қўлда ёзишга мажбурлаш икки хисса қийинчиликка сабаб бўлади, бу унинг ўқишига, психологиясига, ўзига бўлган ишончига ҳам салбий таъсир кўрсатади», – дейди психолог Нодира Ғафурова.

Дарҳақиқат, юқоридаги сўзларнинг исботини шахсан ўзим яқин қариндошимда кузатганман. Бундан тўрт йил олдин қишлоқдаги янгам уйимизга келган эди, гап энди мактабга бораётган ўғлига бориб тақалди. Аввалдан ҳам билар эдим, жияним расм чизаётганда, ручкани доим чап қўлида ушларди. Янгам ўглининг мактабда ўқиши қийин кечаётганини, дарс тайёрлаш чоғи ҳар гал йиғлаб уй вазифаларини бажаришини айтиб қолди. Бунинг сабабини сўраганимда, чап қўлда ёзаётганини кўрган бобом уни ўнг қўлда ёзишга мажбурлаган, ҳаттоки жазо чоралари ҳам қўллаган. Хўп, бобом эскича одам, у пайтлар чапақайлик қаттиқ қораланиб, мактабда болаларни кийноқлар билан ўнг қўлда ёзишга ундашган. Бироқ шу асрнинг педагогини қарангки, жиянимнинг ўқитувчиси ҳам мактабда чапақай ўқувчиларини ўнг қўлда ёзишга ўргатиш учун астойдил ҳаракат қилар экан. Очиғи, буни эшитиб, жудаям ранжидим, жажлим чиққани ҳам рост. Ахир мак-

табда эскича фикрга эга муаллимнинг сабоғини олиб уйга қайтган болани уйда ҳам «мажбурият комитети» кутиб турган бўлса, унинг психологияси нима бўлсин?!

Мана шу воқеага тўрт йил бўлди, «мажбурий ижро» кўмакида жияним бошланғич синфни ҳам тугатди. Энди ўқишини сўраганимда, унинг тортинчоқ эканини, доскага чиққанда «ўзини йўқотиб қўйиши», дарсларни ўзлаштиришга қийналишини айтишди, хусниҳати ҳам талаб даражасида эмас экан. Мана, кийноқлар, жазолар натижаси... ўзимизга ўхшатамиз деб нимани бой бердик-у, ўжарлигимиз ортидан ким жабр кўрди, таёқ кимнинг бошида синди?..

Чап қўли орқали бетакрор расмлар чизган расмлар, куйма сатрлар битган шоир-у ёзувчилар, мусика ноталарини яратган бастакорлар-у олимлар, спортчиларни бугун бутун дунё тан олган. «Чап қўллар» инсониятга турли соҳаларда Леонардо да Винчи, Эйнштейн, Чарли Чаплин, Пушкин каби даҳоларни берган.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, чапақай болани биринчи синфга келганида ўнг қўлга ўргатиш вазиятни янада қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам, имкон қадар чап қўлда ёзадиган болани ўнг қўлга ўргатмаган маъқул. Болангизнинг чапақай эканига тўла ишонч ҳосил қилган бўлсангиз уни ортиқча босим остида ўнг қўлда ёзишга ўргатишга уринманг. Бу болада табиий жараёни тушунмасликка олиб келиши ва уни илм ўрганишидан бешишига, жамиятдан четлашишига олиб келиши мумкин. Сизга айтадиганимиз, ҳар қандай вазиятда фарзандингизнинг кўнгли, унинг туғма қобилиятлари билан ўртоқлашинг. Йўқса, келажакда композиторлар, расмлар, ижодкорлар, математиклар, машҳур футболчи ва баскетболчилар етишиб чиқишига тўсқинлик қилишингиз мумкин.

Маҳфуза ПЎЛАТОВА

УЙДАГИ ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ

Болажонлар ўзлари биладиган эртақ қаҳрамонлари ёки ҳайвонларга эга бўлишни ёқтиришади. Моҳир педагог Азиза Жумамуротова бу эҳтиёжнинг ўрнини тўлдиришнинг ажойиб йўлини топди.

Азиза Жумамуротова Янги-Бозор туманидаги 4-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ўзи ижодкор муаллима. Бир-бирдан гўзал шеърлар ёзади. Унинг кўнгли битикларида она юрт, севги-муҳаббат, юртимиз табиати, дўсту қадрдонлари таърифи ўтли мисраларда чиройли ташбехлар билан тараннум этилади. Кўп йиллик ижод маҳсули бўлмиш шеърлар тўплами яқинда босмадан чиқиш арафасида.

Унинг яна бир хунари бор. Азиза, мана, ўн йилдирки, тўқув-

чилик касби билан шуғулланиб келади. Дастлаб талабалик йилларида оддий усубларда бежирим пайпоқлар тўқиб қишлоқдаги дўконларга топшириб, оиласи даромадига даромад қўшишга ҳаракат қилган бўлса, йиллар ўтиб тўқувчиликнинг ҳадисини пухта эгаллади. У ушбу хунари орқасидан турли танловларда ғолибликни қўлга киритди. Жумладан, 2016 йилда Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган халқаро танловда иштирок этишга мушарраф бўлди.

Тўқувчилик хунарини ёш кизларга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Азиза шу соҳага қизиққан ёшларни тўплаб тўғарак очди.

– «Хунарни асрабон неткумдир охир, Олиб тупроқкаму кетгумдир охир», нақлига амал қилиб, ҳозирда кўплаб шу соҳага қизиққан кизларга тўқувчилик хунарини ўргатиб келяпман, – дейди Азиза Жумамуротова. – Бу ишларимиз карантин даврида ҳам асло тўхтагани йўқ. Тўғаракни онлайн тарзда ташкил қилдим.

Кўғирчоқлар тўқишда уларнинг миллий менталитетимизга уйғунлиги, болалар учун таниш ва одатий бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Шундай кўғирчоқларга талаб катта бўлади.



Азизанинг онлайн тўқувчилик курсида кўплаб кизлар фаол иштирок қилишмоқда. Ҳозирда бир-бирдан чиройли кўғир-

чоқлар тўқишни йўлга қўйишган. Улар тўқиётган турли-туман, катта-кичик кўғирчоқлар бежиримлиги, ёқимтойлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

Кўғирчоқлар буюртма асосида болалар боғчаларига ва кичик ёшдаги болақайларга тайёрлаб бериляпти. Айни кунларда мактабгача таълим муассасаларидан буюртмалар тушмоқда, у эса шогирдлари билан уларни ўз вақтида бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Ушбу хунарни ўрганиш ижтимоий ёрдамга муҳтож оила кизларига мутлоқо бепул ташкил қилинган. Бугунги кунда Азиза Жумамуротованинг онлайн тўқувчилик курсида Урганч шаҳри, Ҳазорасп, Шовот, Боғот туманларидан, шунингдек, Республикамининг бошқа ҳудудларидан иштирокчилар бор.

Болтабой МАТҚУРБОН

КАДАСТР – ҚАЧОН БЎЛАР БАДАСТИР?

Барча кўчмас мулк ҳужжатлари ва ер ҳисоби назорати солиққа ўтмоқда, нималар ўзгаради?



Сўнги йилларда ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назоратини амалга ошириш вазифаларининг ягона органда тўпланганлиги, ер участкалари, бино ва иншоотларга кадастр йиғмажилди рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи томонидан тайёрланиши соҳада манфаатлар тўқнашувини юзага келтирмоқда.

Соҳадаги шу каби кўплаб муаммоларга барҳам бериш, ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент Фармони қабул қилинди.

Ҳужжатга кўра, кадастр органлари эндиликда фақат ернинг ҳисобини юритиш билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалиги ерларини ривожлантириш, хусусан, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймагини аниқлаш, геоботаник тадқиқотларни амалга ошириш вазифалари уларнинг ҳақиқий эгаси – Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилмоқда.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси негизда Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилди.

Барча кўчмас мулклар – ер участкалари, уларга бўлган ҳуқуқлар, бино ва иншоотлар 2021 йил охиригача давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бундан буён ер участкасига бўлган ҳуқуқларни Миллий геоахборот тизимида тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтказиш тизими жорий этилмоқда. Фармонда ер участкасига бўлган ҳуқуқ ҳам, у вужудга келган пайтнинг ўзида рўйхатдан ўтиши лозимлиги белгиланмоқда.

«БТИ»лар ўрнида янги орган ташкил этилди

Ҳар бир вилоятдаги «Ермулккадастр» давлат корхонаси, уларнинг туман

(*шаҳар*) филиаллари ҳақида эшитмаган ёки уларга иши тушмаган одам деярли бўлмаса керак. Ҳа, бу ўша, халқ тилида «БТИ» деб аталадиган ташкилот. Бу ташкилотнинг номи охириги ўн йилликларда бир неча бор ўзгарсада, унинг халқ орасидаги номи деярли ўзгармаганлигига сабаб бор, албатта.

Тўғри, улар фаолиятига замонавий технологиялар жорий этилди, давлат хизматлари марказлари орқали хизмат кўрсатишга ўтилди, одамлар учун қанчадан-қанча қулайликлар яратилди. Лекин уларнинг асосий фаолияти ҳалиям ўша-ўшалигича қолаётган эди.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори билан ушбу корхоналар негизда Давлат кадастрлари палатаси ташкил этилмоқда.

Ушбу палатанинг олдинги корхоналар иш услубидан энг асосий фарқи – бу кўчмас мулкка кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш билан битта идора шуғулланмайди.

Яъни, ҳозирга қадар агар сиз ўз мулкнингизни рўйхатдан ўтказаман деб борсангиз, кўлингизга аввал шартнома тўқатишади: кадастр ишларини бажариш, техник инвентаризациядан ўтказиш ҳақида. Бу иш якунлангач, сиз яна ариза билан мурожаат қиласиз: кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ҳақида. Филиалнинг битта ходими тайёрлаб сизнинг кўлингизга берган йиғмажилднинг унинг иккинчи ходими текшириб қабул қилади.



Аслида аниқлаштириб олиш керак эди: давлатнинг бу жараёндаги вазифаси қаердан бошланиб қаерда тугаши керак? Жавоб аниқ: давлат фақат кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланиши керак, шартнома асосида, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиладиган соҳалардан давлат аста-секин чиқиб кетиши керак.

Ва ниҳоят, биз ҳам ана шу оддий ҳақиқатни англаб, тўғри ўзанга тушиб оляпмиз: эндиликда Давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари фақат регистрация билан, регистрация орқали олган маълумотлари асосида давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш билан, ўзлари тўплаган маълумотларни ваколатли органлардан олган ахборотлар билан бирлаштириб, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш билан шуғулланади.

Кўчмас мулкка кадастр йиғмажилдини тайёрлаш, шу мақсадда уни техник инвентаризациядан ўтказиш вазифасини эса давлат ташкилотларидан тадбиркорлик субъектларига ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Фикримизча, тез орада тадбиркорларга ушбу ишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳам қабул қилинса керак. Унга эса, Давлат кадастрлари палатасининг туман (*шаҳар*)

филиаллари бу вазифани бажариб туради. Бозор ўз эгаларига топширилгач бу филиаллар ҳам босқич-ма-босқич тугатиб борилади ва фақат олис, бориш қийин бўлган ҳудудларда қолдирилади.

Кадастр органлари энди ҳокимга бўйсунмайди

Фармонга кўра Кадастр агентлиги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия ва картография ҳамда давлат кадастрларини юритиш соҳасида ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ушбу Агентлик ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (*шаҳарлар*) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари негизда Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар (*шаҳарлар*) бўлимлари ташкил этилди. Уларнинг бошлиқлари Кадастр агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Бундан келиб чиқадики, энди улар фақат Кадастр агентлигига бўйсунди.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирга қадар «Давргеодезкадастр» кўмитасининг ҳудудий бошқармалари ушбу Кўмитага, шунингдек тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ҳисобот беради, уларнинг бошлиқлари эса ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланар эди.

«Hudud Inform» материаллари асосида тайёрланди.

Қатра

БУВИМ ЁНИДАГИ ЁРУҒЛИК

Кун қизигандан-қизиди. Устига-устак тандирга уйда ўт ёқиб нон, унга қўшиб сомса ёпдик. Ойим ҳар гал нон ёпсак ёнига қўшиб ёпадиган иссиқ кулча ва сомсаларни дастурхонга ўраркан, бувимдан хабар олиб келишимни айтди. Иссиқ бўлишига қарамай йўлга отландим. Чунки офтоб юзли бувижонимни кўриш, улар билан суҳбатлашиш доим мароқ бағишларди менга.

Бувимларнинг уйи унча узок эмас, жуда бўлса 20 дақиқалик масофа. Кетарканман, кўча бошида бир аёл мени имлаб чақирди: «Дилдорахоннинг уйи қаерда, қизим, билмайсизми?» – деди у. Бувимнинг уйига тез-тез келиб турадиган чиройли, хушбичим бу аёлни яхши танирдим. Мени доим «Пучук қизим» деб эркалайдиган опанинг уйига аёлни бошладим.

Дилдора опаникига кириб борар эканмиз, турли ноз-неъматлар, сархил мевалар, чарос узумдан тортиб, ранг-баранг ширинликларгача қўйилган тўқин дастурхон устидан чиқдик. Аёллар зиёфати бўлаётган экан, ўйин-кулгу авжида. Ажнабий кўшиқларга рақс тушаётган аёллар орасидан чиқиб келган Дилдора опа бизни одатича кулиб қаршилади. Ҳамроҳим

ҳам тезда уларнинг даврасига қўшилди. Мен эса энди ортимга қайтай деётганимда дастурхонда турган нарса эътиборимни тортди. Очиғи, дилимни хира қилди.

Аёллар дастурхонига турли шарбату, ширин сувлар билан бирга, спиртли ичимликлар ҳам қўйилган эди. Бундан ҳам хунук манзара ўша ичимликларни даврадаги аёллар тортинмай, қадахларга тўлдириб, «Дўстлигимиз абадий бўлсин, қани олдиқ...», дея ичишарди. Бундай ичимликларни фақат эркаклар ичади, аёллар худди бувимдек мунис, ойимдек камтар бўлади, деган тушунчам билан рўпарамда қаҳ-қаҳ уриб, «оқ сув»дан ютаётган аёлларнинг кингир-қийшиқ чехраси кўз олдимда айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бошимдан оёғимнинг учигача совуқ тер босиб, базўр ўша ҳовлидан чиқдим.

Болалигимдан мени «Пучук қизим» дея эркалайдиган Дилдора опам энди кўзим олдимда қандайдир совуқ, бачкана бўлиб кўринарди.

Эсимда, бувижоним кечалари бизни ухлатиш учун эртақлар, баъзан ҳаётини воқеалар сўзлаб беради. Улар ўз ёшлиги ҳақида гапираркан, маҳалла хотинлари билан шеърят кечалари, мушоиралар бўлишини, ўсмалар қўйиб, узундан-узук дostonларни ёд олишганини айтиб берадилар. Кундузи турмуш юмушларидан чарчаган аёллар, мана шундай дийдорлашувлар, дилдорликлар билан учрашиб, узун кечаларни шеърга, қўшиққа тўлдирганликларини эшитиб, ўзбек аёллар шундай бўлади деган тасаввурда улғайгандим мен.

Бувим уруш йиллари бир майизни қирқ бўлиб еганимиз, йўқчилик пайтлари қандай кўргуликларни кўрмайлик, аёллик шаънимизга доғ туширмадик, дерди ўғитларида.

Шуларни ўйларканман, оғир замонларда яшаган, меҳнат қилган бувимлар шундай бўлгану, нега булар ҳозиргидек тинч-осуда, тўқчилик замонида тўқликка шўхлик қилишларини тушунолмасдим. Йўлда кетарканман, негадир йиғлагим келар, кўрган нохуш манзаралардан қалбим ўқсиб, кўз ёшим юзимдан оқарди.

Бувимнинг уйига қандай келиб қолганимни ҳам билмайман. Дарвозани очиб ичкарига кирдим, чаккасига райхонлар тақиб, оқ рўмол ўраб олган фариштадек бувим супада кўрпа қавиб ўтирар, уларни кўргач бирдан қалбимга ёруғлик кирганини ва кўнглим куёшдек ёришиб кетганини сездим...

Сабоҳат САИДРИЗО,
ЎзЖОКУ талабаси,
«Парвоз» адабий
тўғараги аъзоси

Хафақон (*гипертония*) энг кенг тарқалган юрак-қон томир касалликларидан бири ҳисобланади. Баъзи маълумотларга кўра, сайёрамизнинг 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган ҳар тўртинчи аҳолиси юқори қон босимидан азият чекмоқда. Гипертониянинг асосий хавфи шундаки, вақт ўтиши билан у юрак хуружи, узоқ муддатли ногиронлик ёки ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин.

«ДАВЛЕНИЕ» ОШИБ КЕТГАНДА...

ёхуд кўринмас душманни қандай «тутиш» мумкин?

Одатда, босим кун давомида ва ҳар хил ҳолатларда кўтарилиши ёки тушиши мумкин (*фаол ҳаракат пайтида у юқори, ухлаш пайтида пастроқ*). Аммо у доим нормал ҳолатга қайтиши керак.

Физиологик ва кимёвий даражаларда босимнинг ошиши организмнинг ҳар қандай хавф ёки стрессга табиий реакцияси ҳисобланади. Критик вазиятда адреналин қонга тарқалади, юрак тезроқ ишлай бошлайди, қон томирлари тораяди, мушаклар қисқаради ва босим кўтарилади. Организм ўзини сақлаб қолиш учун ўз ресурсларини шу тарзда сафарбар қилади, шунинг учун юқори қон босими мудофаа механизми эмас, балки тўғридан-тўғри таҳдидга айланади.

Мунтазам стресс, хавотир, уйқусизлик, шахсий ёки ишдаги муаммолар – буларнинг барчаси қон босимининг ошишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, шифокорлар гипертония касаллигининг бошқа сабабларини ҳам таъкидлайдилар: ирсият, ортиқча вазн, қалқонсимон без, организмда магний етишмовчилиги, баъзи дори-дармонлар-

ни қабул қилиш.

Аёлларга қараганда эркаларда гипертония касаллиги кўпроқ учрайди ва уларнинг тарқалиши 50 ёшдан ошган одамларда юқори. Айнан шу ёшда гормонал ўзгаришлар рўй беради, биз бора-бора кам ҳаракат қила бошлаймиз, оғирлик ўсади ва ҳаёт давомида тўпланган тажрибалар тинчлик бермайди. Хавфли гуруҳга 55 ёшдан катта эркалар ва 65 ёшдан катта аёллар киради. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, хафақон касаллиги ёшга чекловлар қўймайди, ҳатто жуда ёшлар ҳам қон босимидан азият чекиши мумкин.

Стресс қанча кўп бўлса, гипертоник инқироз эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Бундай ҳолда, энг мақбул ечим – дам олиш ва тинчланишидир.

Гипертония у туғдириши мумкин бўлган асоратлар ва оқибатлар билан хавфли. Атеросклерознинг ривожланиши, юрак етишмовчилиги, миокард инфаркти, мия қон айланишининг сурункали бузилиши, буйрак касаллиги (*буйрак етишмовчилиги*), кўришнинг ёмонлашиши, қандли диабетнинг асоратлари, метаболик синдром каби жиддий касалликларнинг



баъзилари ногиронлик, ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин. Шунинг учун гипертония аломатларини билиш ва уни дастлабки босқичда аниқлашга ҳаракат қилиш муҳимдир.

Одатда гипертония касаллигининг биринчи аломатлари ташвиш туғдирмайди, кўпинча одамлар уларга бефарқ бўлишади. Чарчок, бефарқлик, ковоқлар «учиши», кўнгил айнаши, мунтазам бош оғриғи – буларнинг ҳаммаси эътибор марказида бўлиши керак. Ушбу аломатлар пайдо бўлганда, босимни мунтазам равишда ўлчашни бошланг. Агар у доимий равишда баланд бўлса, дарҳол шифокор билан маслаҳатлашинг.

Инсоннинг ҳаёт тарзи, овқатланиши қон босимининг кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Айниқса, овқатланишда кўп туз ёки шўр маҳсулотларни истеъмол қилиш, хамирли таомларга ружу қўйишнинг организмга катта таъсири бор. Бу маҳсулотларнинг бари инсон танасида сувнинг «тутилишига» сабаб бўлгани боис қон босимининг ортишига сабабчи бўлади.

Қон босимини назорат қилиш дастури турмуш тарзини ўзгартириш ва дори терапиясидан иборат. Турмуш тарзини ўзгартириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ☞ кунига 30 дақиқача мунтазам жисмоний машқлар;
- ☞ кам калорияли овқатланиш ва вазн йўқотиш;
- ☞ туз истеъмолини камайтириш;
- ☞ спиртли ичимликлар истеъмол қилишни чеклаш;
- ☞ тўйинган ёғ кислоталари ва холестеролга бой овқатлар миқдорини камайтириш;
- ☞ мева истеъмолини кўпайтириш;
- ☞ тамаки чекишдан воз кечиш.

Қон босимининг кўтарилиши даражаси юқори бўлса, дарҳол дори препаратлари буюрилади. Артериал гипертензия билан оғриган беморларни даволаш доимий равишда амалга оширилади, чунки уни олиб ташлаш қон босимининг ошишига олиб келади.

Хафақонга

чалинмай десангиз...

Энг аввало:

- тўғри овқатланиш;
- кунлик туз миқдори (*ўртача 4-5 гр.*) истеъмолига амал қилиш;
- тана вазнини меъёрда сақлаш;
- асабийлашмаслик;
- йилда бир марта шифокор кўригидан ўтиб туриш.

Жисмоний ҳаракатда бўлиш, кундалик юктамаларни – пиёда юриш, енгил югуришларни бажариб турсангиз, хафақон касаллигининг олдини олган бўласиз.



АНИҚ САВОЛГА АНИҚ ЖАВОБ

КОРОНАВИРУС

Мактаблар очилгач, вазият ёмонлашадими?

Саволларга Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Барно АБДУСАМАТОВА жавоб берди.

Ўзбекистонда карантин туфайли вазият анча барқарорлашган эди. Карантин чекловлари юмшатилиб, хусусий боғча, мактаб, олийгоҳлар фаолияти тикланганда вазият қайта ёмонлашмайдими?



– Ёз фасли жуда қийин кечди. Одамлар вирус хавфини жиддий қабул қилиб, тартиб-интизомга қатъий риоя қилишни бошладилар ва бу тиб-

биёт ходимларига анча ёрдам бўлди. Шунингдек, эпидемиологик вазият ҳам бирмунча барқарорлашди.

Аммо ҳозир аҳоли ўртасида яна бўшашиш кузатилмоқда, айниқса ёшлар орасида. Ижтимоий масофани сақламай, никобларни нотўғри тақиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бошқа давлатларда шундай ҳолатлар кузатилганда касаллик сони яна ортгани кузатилди.

Агар одамлар орасида бефарқлик ҳолатлари кўпаядиган бўлса, 1-2 ой ичида касаллар сони кескин ортади, вазият

ёмонлашади. Шунинг учун барча, шу жумладан ота-оналар, болалар ҳамда ўқитувчилар эҳтиёт чораларига қатъий амал қилишлари зарур.

Вазиятни назорат қилиш одамларнинг ўз қўллариди.

Коронавирус аломатлари бўлган беморларга оилавий поликлиникадан биринчи ёрдам тўпламлари бериладими ёки фақат тест топшириб аниқланган беморларгами?



– Коронавирус аломатлари бўлган киши аввало ҳудудий шифокорга мурожаат қилиши керак. Шифокор тиббий кўрикдан ўтказиб барча тавсияларни беради.

Коронавирус аломатлари бўлган беморлар гумон қилинганлар гуруҳига киради. Коронавирус тасдиқланган ва гумон қилинганларга касалликнинг енгил формасида уйда даволаниш учун бепул дори тўпламлари поликлиника томонидан берилади.

Ҳар бир оилавий поликлиникада маҳсул мобиль гуруҳлар ташкил қилинган. Бу гуруҳлар беморнинг тиббий аҳолини аниқлаштириб, унга бепул дори-дармонлар тўпламини етказиб беради.

Гумон қилинганларга даволаниш жараёнида касалликнинг кечишига қараб тест топшириш тавсия этилади. Уй шароитида даволанаётганлар албатта поликлиника шифокорлари назоратида бўладилар.

Касалликнинг қандай даврида қайси усул самарали?



– Инкубацион, яъни яширин даврда фақат ПЗР самарали. Касаллик кечиши даврида – ПЗР ҳамда IgM, шунингдек, клиник белгилар камайиб бораётган даврда + IgG ҳам самарали.

Соғайиш даврида – IgM ҳамда IgG самарали. Шунингдек, тузалганига узоқ вақт бўлган бўлса, фақат IgG самарали.

Хулоса қиладиган бўлсак, экспресс-тестлар орқали касалликнинг инкубацион даврини аниқлаб бўлмайди. ПЗР усулида эса вирусга нисбатан организмда иммунитет бор ёки йўқлигини аниқлаб бўлмайди. Касаллик белгилари мавжуд бўлган беморлар учун ҳар икки усул ҳам самарали.

БИЛАСИЗМИ?

Қўлларни совун билан ювган фойдалироқми ёки антисептик спиртли эритма кўпроқ наф берадими?

• Қўлларни мунтазам равишда оқаётган сув ва совун билан камида 20 сония давомида ювиш зарур. Бунинг имкони бўлмаса спирт асосидаги восита билан ишқалаб ва яхшилаб артиш керак. Унинг таркибидаги спирт концентрацияси камида 70 фоиз бўлиши керак.



• 70 фоиздан кам бўлган эритмалар микробларни, вирусларни ўлдирмайди, уларнинг фақат кўпайишини тўхтатиши мумкин.

• Этанол кўп вирусларни, шу жумладан коронавирустинг ҳам оқсил қобиғини йўқ қилади. Қўллар жудаям кир бўлса, яъни боғдаги ишлардан кейин ёки жудаям ёғли бўлса антисептиклар самарадорлиги камайиши мумкин.

ЭНГ КАТТА ДУШМАН

Айтишларича, Искандар Румий замонида бир жонивор пайдо бўлди. Унга ким рўбарў келса, дарҳол ҳалок бўларди. Искандар мулкидаги донишмандлар бу балони даф қилиш учун ҳар қанча уринишса ҳам, ҳеч нарса қила олишмади.

Нихоят, бу балони даф қилиш чорасини Арасту ҳаким топди. Унинг буйруғи билан жуда ҳам катта ойна тайёрландилар, у ойна орқасида бир-икки кишининг бекиниб ўтириши мумкин эди. Ўша ойна сиғарлик жуда катта арава тайёрлаб, уни аравага кўтариб қўйдилар. Арасту ойна орқасида бекиниб ўтирди. Аравани у жонивор турадиган жойга яқинроқ ерга келтириб қўйдилар.

Жонивор одам исини олиб, арава томонга қараб кела бошлади. Аравага яқин келган эди, кўзи ойнага тушди, ойнада ўз суратини кўриб, дарров йиқилиб ўлди. Искандар бу ишдан жуда таажжубланиб, Арастудан бунинг ҳикматини сўради.



Арасту шундай баён қилди:

– Эй Искандар, бу жонивор ер остида неча йил ётган бадбўй буғлардан вужудга келганди, унинг кўзида захри қотил бор эди, кимга кўзи тушса, у киши дарров ўларди. Мен олдида ойна олиб бордим, унинг акси ойнада пайдо бўлди, назари унга тушди. У назар бу акс воситаси билан ўзига қайтди ва ўз назарининг таъсири ўзига уриб ҳалок бўлди.

Искандар Арастуга таҳсин ўқиди.

Ҳар кимнинг ёмонлиги биринчи навбатда ўзига қайтади. Ўт куйдириш учун бирор нарса топмаса, ўзини ўзи куйдиради.

ЖАВОҲИР

МИРТЕМИР,
Ўзбекистон
халқ шоири



* * *

Қоронғилик тушар,
Бағрим увишар,
Танҳоликда қайта
туғиламан мен.

Ёрилиб кетгудай
Тамом йитгудай,
Токи тонг отгунча
бўғиламан мен.

Кўзимга ёруғлик,
Сўзимга ёруғлик,
Соғ жонга ёруғлик
сўрайман тонгдан.

Армонли йўлчидан,
Армонли куйчидан,
Жаҳонга ёруғлик
сўрайман тонгдан.

Ижтимоий тармоқлар оралаб...

Немис халқининг
оддий хизматкори

Давлат арбоблари, раҳбарлар энг сўнгги русумдаги автомобиллар кортежида, тан соқчилар курсовида, маърузалар матнини кўтариб юрувчи, куёшдан соябон кўтарган ёрдамчилар ва кутиб олувчилар, кузатувчилар ҳамроҳлигида юришига одатланиб қолганмиз. Аммо расмда кўриб турганингиз, Ангела Меркель – кимсан Германия канцлери ҳеч қандай дабдабасиз, одамларнинг ортиқча илтифотларисиз турмуш ўртоғи билан пиёда уйига қайтади.

Бу аёл дунёдаги энг қудратли давлатлардан бирининг раҳбари бўлишига қарамасдан ҳар бир немис фуқароси каби ҳуқуқ ва мажбуриятларини сўзсиз бажаради. Ўзи дўконга боради, автомобилни ҳайдовчисиз ҳайдайди, солиқларини вақтида тўлайди. Агар жаримага тортилса, (қаранг-а, Германияда давлат раҳбари ҳам жаримага тортилар экан) ўз чўнтагидан ўша кунийёк тўлайди.

Мол-давлатига асло қизиқманг: данғиллама виллалар, ҳашаматли қасрларда эмас, балки эл қатори оддийгина уйда яшайди. Меркелнинг на уй солиғи ва на бошқа харажатлари давлат бюджетидан қопланади, барча-барчаси ўз ҳисобидан тўланади.

Ҳуқуқшунос ва журналист Олимжон Ўсаров Германияга қилган сафари чоғида Ангела Меркель билан парламент ва ҳукумат офисида юзма-юз келгани ҳамда канцлернинг пресс-конференциясида иштироки хақида куйидагиларни ёзган: «Ўта оддий ва самимий. Шу жиҳатдан ўзбек аёлларига ҳам ўхшаб кетади. Турмуш ўртоғи университетда домла. Ишга велоседда қатнаган. Ҳазил аралаш «Тумуш ўртоғингизга транспорт ажратсангиз бўлмайдимиз», деган саволга ҳайратланиб, «Бунга менинг ваколатим йўқ», дея жавоб берганди... «Вазирларингизга SMS орқали топшириқ бераркансиз, шу ростми?» дейилган саволга эса: «Ҳа, ОАВда бирор жиддий масала ёритилганини кўриб қолсам, дарҳол керакли кўрсатмаларни ёзиб юбораман», деди бироз хижолат бўлиб. Одатда, канцлер кеч соат 7.30 да уйга қайтади. Кортежида бор-йўғи 3 та машина. Олдинда махсус чироқли машина, ортда эса 3 нафар тан соқчи ўтирган автоулов. Тезлик йўл белгиларида қайд этилган тезликдан оширилмайди.

Айтганча, Ангела Меркел ҳукуматининг аксарият вакиллари (вазирлар) ҳамда Бундестаг депутатларининг кўпчилиги ижара уйда яшашади. Чунки Германияда коммунал тўловлар қиммат...»

Меркель хоним ўта одми кийинади. Фотожурналист Ангела Меркелга: «Сизни айнан шу кийимда ўн йил аввал ҳам суратга олганман», деганида у: «Мен немис халқининг хизматкориман, модель эмас!» – деб жавоб берган...

ПАЗАНДАЛИК

ЛАВЛАГИ ШЎРВА

Керакли масалликлар:

300 грамм картошка, 3 дона сабзи, 1 дона пиёз, 600 грамм лавлаги, 100 грамм зайтун ёғи, 3 та саримсоқ донаси, кўкатлар, таъбга кўра туз ва туйилган қора мурч.



Тайёрлаш усули:

Сабзавотларни хоҳишингизга қараб тўғранг. Муҳими уларнинг ҳажми 1 см. дан ошмаслиги керак. Лавлаги ва картошкани узунчоқ ва сабзини ярим ҳалқа шаклда тўғранг. Пиёзнинг қизилини ишлатганингиз маъкул. Пиёз ва кўкатларни майда қилиб тўғранг. Лавлаги ва сабзини йирик кирғичдан ўтказишингиз мумкин.

Катта идишда зайтун ёғини қиздиринг ва пиёз қизғиш тусга киргунга қадар қовуринг. Кейин картошка ва лавлагини қўшиб, 5 дақиқа давомида қовуринг. Ундан кейин сабзини солиб, яна 2 дақиқа атрофида қовуриб, 3 та саримсоқ доналарини майдалаб солинг. Сабзавотларни яна озгина қовуринг ва хоҳишга кўра сув қўшинг. Шўрвани ўрта оловда картошка ва лавлаги юмшагунча қайнатинг. Сўнг тўғралган шивитнинг 2/3 қисimini шўрвага солинг ва аралаштиринг. Энди 20 дақиқа тинишга олиб қўйинг.

Шўрвани иссиқ ёки совуқ ҳолда ҳам истеъмол қилса бўлади. Шўрвага озгина кўкат ва сметана солган ҳолда дастурхонга тортинг.

ЛАТИФА 😊😊😊

Иккита безори ярим тунда автобус саройига ўғрилиққа тушишни режалаштирибди.

Манзилга етиб келгач, бири дебди:

– Мен ичкарига кириб автобусни ҳайдаб чиқаман. Сен шу ерда қоровулни чалғитиб тур!

– Хўп, – дебди шериги. Ичкарига кириб кетган ўғри ярим соат ўтса ҳам чиқмасмиш, бир соат ўтса ҳам чиқмасмиш.

Охири ташқарида тургани секин ичкарига кириб қараса, шериги автобусларни орасида анқайиб юрганмиш.

– Нима қилиясан? Нега

ҳалигача автобусни ҳайдаб чиқмаяпсан? – деса, шериги:

– 17-автобусни топа олмаёйман. Бу ерда турганлар бизни уйимизга бормайди-ку!?! – дермиш.

☺☺☺

– Келинг синглим! Нима хизмат?

– Идорангизга ишга кирмоқчи эдим...

– Яхши. Фақат талабларимиз бор. Масалан, 90x60x90, ...

– 486 минг!

– Ҳали охиригача айтиб улгурмадим-ку... Майли бизга ҳисобчи ҳам керак эди, олаимиз!

ИНТЕЛЛЕКТ

ИСКАНДАРНИНГ БЎШ ҚЎЛИ

Ер юзининг ҳамма жойига ҳукмронлик қилган тарихий шахс Искандар Зулқарнайн ўлими олдидан бўш қўлини тобутдан ташқарига чиқариб қўйилишини тайинлаган. Бунинг сабаби инсон бу дунёдан ҳеч нарса олмадан, бўш қўл билан кетишини ибрат қилиб кўрсатиш эди.

Шу билан бирга у ҳукмдорлар ва зодогонларни яна бир нарсага тарғиб қилади. У нимага тарғиб қилган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба кунин соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Telegram: (+998 93) 518-08-57

Газетамизнинг 2020 йил 3 сентябрь 35-сонидан берилган саволнинг жавоби: Пул

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳуснидин
БЕРДИЕВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-937
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Адади: 1 649 нусха.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Оффсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

ISSN 2181-6190



123456